Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 июль куни Оқсаройда Қирғизистон Республикаси Бош вазири Омонгелди Муралиевни қабул қилди.

— Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб бораётир, — деди Ислом Каримов. — Бироқ тан олиш керакки, ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш йўлида тўсиқ бўлиб турган айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Уларни имкон қадар тезроқ бартараф этиш Ўзбекистон учун ҳам, Қирғизистон учун ҳам бирдек фойдалидир.

Учрашувда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг Дўрмон қароргоҳида бўлиб ўтган мажлиси якунларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар кўламини янада кенгайтириш, бу борада зарур чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш, ўзаро сиёсий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов иштирок этди.

Қабул чоғида Қирғизистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Б. Сидиқов ҳозир бўлди.

(ЎзА)



Суратда: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 10 июль, шанба • № 80 (24.475).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Зараркунандаларга қарши кураш — муҳим вазифа

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ғўза парвариши, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши кураш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари қатнашди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б.Олимжонов олиб борди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар марказининг раҳбари Ш.Маҳаммадалиев, «Ўзкимётаъминот» бирлашмаси раиси Б.Ғаффоровнинг ҳисоботлари тингланди.

Ўтган йили ғўза зараркунандаларига қарши кураш суст олиб борилганлиги сабабли кўпгина туманларда пахта ҳосилдорлиги жуда паст бўлди. Бу йил ҳам қишнинг илиқ, ёзнинг ёғинли келиши зараркунандаларнинг кўпайишига муайян шароит яратди. Натижада айрим туман ва вилоятларда кўсак қурти, чигиртка, ўргимчаккана ҳамда бошқа зараркунандалар кўпайиб бормоқда. Бунинг олдини олиш, зараркунандаларга қарши кимёвий ва биологик усул билан курашиш бугунги куннинг муҳим вазифаси бўлиб турибди.

Шуни таъкидлаш керакки, Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистон Республикалари билан чегарадош туманларда зараркунандалар бошқа туманларга қараганда икки-уч баравар кўп эканлиги қайд этилмоқда. Бу мазкур қўшни давлатларда зараркунандаларга қарши кимёвий ва биологик усул билан курашиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигидан далолат беради. Масалан, бу йил Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг Туркманистон билан чегарадош туманларидаги кўплаб гектар ғалла майдонлари занг касалига чалинди. Мутахассисларнинг фикрича, бу касаллик Туркманистон ҳамда Тожикистонда кенг тарқалган ва шамол ёрдамида бизнинг ҳудудимизга ҳам етиб келган.

Сўнгги пайтларда республикамиз ҳудудида чигиртканинг ҳам кўпайгани кузатилди. Бу йил мамлакатимиз бўйича 331 минг гектар майдондаги экин чигиртқадан зарар кўрди.Чигиртка ҳам асосан қўшни давлатлардан ўтиб келмоқда. Айниқса, Қозоғистон билан чегарадош туманларда вазият мураккаблигича қолмоқда. Тошкент вилоятининг Чиноз туманидан 20 километр узоқликдаги Қозоғистон ҳудудида чигиртканинг жуда катта ўчоғи мавжуд. Лекин қўшни мамлакатда зараркунандага қарши кураш етарли даражада олиб борилмаётганлиги туфайли чигиртканинг бизнинг ҳудудларимиз, чунончи Чиноз ва Янгийўл туманлари экинзорларига ҳам зарар келтириши хавфи бор. Шунинг учун Ўзбекистон томони ўз ҳисобидан маблағ ишлатиб, Қозоғистон ҳудудидаги 20 километрли масофада зараркунанда ўчоғига бир неча марта дорилар билан ишлов берди.

Мажлисда чигиртка, кўсак қурти, ўргимчаккана ва бошқа зарарли ҳашоратларга қарши курашни кучайтириш, уларни мамлакатимиз ҳудудига ташқаридан киришига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўриш зарурлиги таъкидланди, бу борадаги аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов иштирок этди.

(ЎзА)

Жаҳонда тан олинди

Қува шаҳридаги «Қувамебель» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган бир-биридан пишиқ-пухта, бежиримлиги, безаклари нафислиги билан жаҳон андозалари даражасидаги мебель маҳсулотлари республикамиздан ташқарида ҳам машҳур. Мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллик байрами арафасида улар яна бир ажойиб ютуққа эришдилар. Мексика пойтахти Мехикода жойлашган Халқаро маркетинг ва сифат ташкилоти «Қувамебель» корхонасида тайёрланган мебель маҳсулотларининг сифати, дизайни, жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини юқори баҳолаб, корхонага «Олтин қўёш» совринини беришга қарор қилди. Шуни айтиш керакки, Қува мебелчилари мамлакатимиз саноат корхоналари ичида биринчи бўлиб шундай юксак мукофотга сазовор бўлдилар. Ватанимиз саноати довруғини оламга таратаётган шундай корхоналар сафи кўпаяверсин!

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Самарқандда халқаро футбол

Мамлакатимиз бош терма жамоаси футболчилари келаси йили ўтказиладиган Осиё чемпионатига тайёргарликни бошлаб юборишди. Йигитларга Маҳмуд Раҳимов мураббийлик қилмоқда. Ўтган куни эса Самарқандда халқаро турнир бошланди. «Самарқанд» жамоаси Малайзия футболчилари билан майдонга тушдилар. 11 июль куни терма жамоамиз Малайзия футболчилари билан куч синашадилар. 13 июлда «Самарқанд» ва мамлакатимиз терма жамоаси ўртасидаги учрашув билан халқаро турнир якунланади. Бу учрашувлар бош жамоанинг қитъа чемпионатига тайёргарлик босқичларидан бири бўлиб қолади.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

«Пфафф-Зингер» — Варзиқда

Варзикни кўпчилик билмаслиги турган гап. Негаки, у Чуст туманининг олисларида жойлашган кичик бир қишлоқ. Эндиликда эса у танилиб бормоқда. Чунки бу ерда «Чуст-Бизинтруд» дея номланган янги тикувчилик фабрикаси ишга тушди. У Германиянинг «Пфафф-Зингер» компанияси ва меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш туман бўлими ҳамда республика Бизнес-фондининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди. Натижада қишлоқдаги 80 нафар собиқ уй бекаси ишли бўлди.

Бу ерда катталар ва болалар учун турли кийимлар тикилади.

Дарвоқе, фабрика чеварлари Германия фирмаси томонидан ташкил этилган махсус курсда ўқиб, янги тикув машиналарида бехато ишлашни тезда ўрганиб ҳам олдилар.

Корхона лойиҳадаги қувват билан ишлай бошлагач, шу кичкина қишлоқда 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Унинг учдан бир қисми эса экспорт қилинади. Дастлабки харидор топилгани айниқса қувонарлидир. Улар россияликлардир.

Гулчеҳра ДЎСТМУҲАМЕДОВА,
Жаҳон тиллари университети лицейининг битирувчиси.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Чернобиль АЭСининг тақдири нима бўлади?

Германия канцлери Герхард Шредер ташриф билан Киевга келди. Ушбу ташриф давомида Чернобиль атом электр станциясининг тақдири масалалари муҳокама қилинади. Станция келгуси йилнинг бошларида ёпилиши керак. Шредер эса Украина ҳукуматини АЭСни энергиянинг ноядровий манбаига айлантириш учун халқаро кредитлардан фойдаланишга даъват этди. Бироқ Киев бундай манбалар етарли эмаслигини таъкидламоқда.

Шредернинг Украинадаги сафарида ҳамроҳлик қилаётган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича вазир Юрген Триттин музокаралар жуда мураккаб ўтишини маълум қилди. Саноати ривожланган етти мамлакат гуруҳи янги атом электр станцияларидан иккитасини бунёд этиш учун 2 миллиард доллар маблағ ажратишга ваъда берди. Бироқ, кредитларни тақдим этиш масаласи Шредернинг Украинага ташрифи якунлангунча кечиктирилди.

Мақсад — тинчликни таъминлаш

Исроил Бош вазири Эхуд Барак ўз вазифасига киришган пайтдаёқ Яқин Шарқдаги тинчликни тезроқ тиклаш мақсадида араб давлатлари раҳбарлари билан музокараларни бошлаб юборган эди. Кеча Барак Мисрнинг Александрия шаҳрига Миср Президенти Хусни Муборак билан музокаралар юритиш учун келди. Кейин эса у фаластинликлар раҳбари Ёсир Арафот ва Иордания қироли Абдулла билан учрашади. Шундан сўнг Эхуд Барак Вашингтонга йўл олади. Исроилнинг расмий кишилари тезда ижобий ўзгаришлар бўлишига ишонмасаларда, Барак арабларга ҳақиқатдан ҳам ўзи тинчлик жараёнини яхшилаш учун курашаётганини билдириб қўйди. У ўз фаолиятида шу нарсага алоҳида эътибор беришини айтди.

Икки томонлама муносабат масалалари кўриб чиқилди

Ўтган куни Пекинга ташриф буюрган Япония Бош вазири Кейдзо Обути Хитой раҳбарлари билан икки томонлама муносабат масалаларини муҳокама қилди. Бундан ташқари Хитой Халқ Республикасининг бутун жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши масалаларига тааллуқли мавзуга ҳам назар солди. Бундан ташқари Америка — Япония мудофаа доктринасининг Япония парламенти томонидан тасдиқланиши бўйича муаммолар ҳақида зарур тушунтиришлар берди. Бу ҳақда Хитойдаги ахборот манбалари Япония расмий доираларининг гапларига асосланиб хабар берди. Обутининг ўзи эса Хитойга ташрифини икки томонлама муносабатларнинг XXI асрга мўлжалланган ривожланиш йўлида «кўприк» деб ҳисобламоқда. У икки кун давомида ХХР давлат кенгашининг раҳбари Чжу Жунцзи, ХХР раиси Цзянь Цзэмин ва бошқа раҳбарлар билан учрашди.

Кашмирда вазият кескинлашди

9 ҳафтадан бери уруш давом этаётган Кашмирда вазият янада кескинлашди. Покистон дипломатиясининг раҳбари Сартож Азиз Франциянинг Le Figaro газетасига берган суҳбатида «Вазият жуда кескинлашди, агар бизнинг суверенитетимизга хавф туғиладиган бўлса, Покистон ядро тугмасини босиб юбориши мумкин, деди. Бундай баёнот АҚШ Президенти Билл Клинтон билан Покистон бош вазири Навоз Шариф ўртасидаги музокаралар пайтида юзага келган умидларни пучга чиқариши турган гап. Навоз Шариф Кашмирдаги жангчиларни олиб чиқишга ваъда берганди. Ҳиндистон армияси эса ўз ҳужумларини тўхтатмаяпти. Ҳиндистон ҳукумати жангарилар Кашмир ҳудудидан тўла олиб чиқиб кетилмагунча ҳарбий ҳаракатларни давом эттирамиз, демоқда. Покистон томон эса душманнинг ҳар қандай ҳужумларига етарли жавоб беришга тайёрмиз, дейишмоқда. Шу боис ҳам мамлакатнинг йирик шаҳарларидан бири Қарачида ҳаво ҳужумига қарши қўшимча батареялар аэропортларга ва нефтни қайта ишлаш заводларига келтириб қўйилмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш

5. Рақобат ва яна рақобат

Иқтисодий эркинлик рақобатни тақозо этади. Шу маънода иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганларидек, **«Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат бозорнинг асосий шарти айтиш мумкинки, унинг қонунидир».**

Рақобатнинг кўлами ва шиддатига қараб иқтисодиёт юксалади. Бозор иқтисодиёти шароитида унда иштирок этмаган киши бўлмайди. Фирмалар ва хўжаликлар яхши фойда топиб ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун, ишчи ва хизматчилар яхши иш жойларини эгаллаш учун, санъаткорлар машҳур бўлиб эл оғзига тушиш учун, олимлар фанда из қолдириш учун беллашадилар.

Айтиш мумкинки, рақобат иқтисодиётнинг юраги, уни ривожлантирувчи куч. Рақобат бор ерда ҳамма ҳаракатга тушади, у тадбиркорларни жонсарак бўлишга, тинмай изланишга, ишчи ва деҳқонларни меҳнат унумдорлигини оширишга ундайди. Бу ерда муттасил новацияга (янгиликка) интилиш бўлади, товарлар доимо янгиланиб боради. Лўнда қилиб айтганда, йўлбошчимиз ўртага ташлаётган уч даъват — **интилиш, изланиш ва ташаббус** рақобат муҳитида жонланади. Албатта бу муҳит ўз-ўзидан юзага келмайди. Бунинг учун энг аввал эркин товар ишлаб чиқарувчилар кўп бўлиши талаб қилинади. Майда ва ўрта корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари қанчалик кўп бўлса, рақобат шунчалик кучаяди. Бунинг учун уларни хусусийлаштириш асосида кўпайтириш талаб қилинади. Аммо ҳаётнинг кўрсатишича, тадбиркорлик йўлидаги маъмурий тўсиқлар олиб ташланганича йўқ. Давлат мулки қўмитасининг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ишбилармонлар ўртасида ўтказган сўров маълумотига кўра, сўралганлардан 62 фоизи корхоналарни рўйхатдан ўтказиш қийинлигини, 52 фоизи эркин рақобат учун шароит етарли эмаслигини, 66 фоизи улар ишига давлат идоралари тез-тез аралашиб туришини, 46 фоизи солиқ ва божхона идоралари, 40 фоизи банклар, 34 фоизи ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим ходимлари томонидан таъмагирлик ҳоллари содир этилаётганлигини кўрсатиб ўтишган.

Барқарорлик шартлари

Биз учун ҳар қандай рақобат эмас, балки ҳалол рақобат зарур, чунки шундай рақобатгина ривожланиш омили бўлади. Қўпол, ғирром, маънавий қадриятларни поймол этувчи рақобат ҳеч кимга керак эмас, албатта. Маърифатли рақобатнинг адолатли қоидалари борки, унга кўра сифатли ва арзон маҳсулотни таклиф этиш, яхши хизмат эвазига кишиларнинг ҳожатини чиқариш, элнинг оғирини енгил қилиш орқали беллашув талаб қилинади. Хуллас, эндиликда ғирром рақобатни ҳеч ким қабул қилмайди.

Рақобат монополия билан чиқиша олмаслиги турган гап. Шу боис рақобат муҳитини яратиш монополияни чеклаш сиёсатини талаб қилади. Бу сиёсатни ўтказиш учун мамлакатимизда ҳуқуқий замин яратилган. Лекин ҳануз бу борадаги қонун ва қарорлар тўлиқ бажарилмаяпти. Ҳатто давлат тасарруфидан бутунлай чиқарилган савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам монополия тузилмаларига учрамоқда. Нега? Гап шундаки, бозор иқтисодиётининг янги талабларини ўзлаштириш, эскича иш услубидан воз кечиш қийин кечяпти. Президентимизнинг ЎзА мухбири саволларига жавобларидаги **«янги мафкура ғояларини сингдириш бир-икки йиллик иш бўлмай, балки узоқ давом этадиган жараён»** эканлиги ҳақидаги хулосани биз сўз юритаётган мавзуга ҳам тадбиқ этиш мумкин.

6. Инфратузилма изчил бўлса...

Эркин бозор алоқаларини ўрнатиш ўз-ўзидан бўлмайди, буларга хизмат қилувчи соҳа — бозор инфратузилмаси яхши ишлаши керак. Ислоҳотлар натижасида бозор алоқаларига хизмат қилувчи муассасалар бўлмиш биржалар, банклар, брокер идоралари, аудитор фирмалар, консалтинг фирмалари, молия компаниялари кабилар юзага келди. Аммо уларнинг ишлаш самараси ҳозирча эркинлаштириш талабига жавоб бераётгани йўқ. Йўлбошчимизнинг **«Бозор инфратузилмасини барча даражада изчиллик билан шакллантириш, амалий ва қонунчилик фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлмоғи керак»** дея таъкидлаётганликлари бежиз эмас. Дарҳақиқат, Президент инфратузилманинг етилган муаммолари орасида **икки жиҳатга** эътиборни қаратмоқда. **Биринчиси, банк тизимини ислоҳ этиш бўлса, иккинчиси, фонд бозорини мустаҳкамлашдир.**

Ҳозирги банк тизими монополлашган соҳалардан биридир. Бу ерда давлат капитали катта қисмни ташкил этади. Кўпчилик банклар тижорат банклари бўлса-да, уларда давлат капитали бўлганидан унинг назорати остида қолишган, банклар орасида ҳақиқий рақобат, мижоз учун кураш ривожланмаган, ихтисослашган банклар салмоғи катта, универсал банклар озчиликни ташкил этади. Банклар эркин бозор тизими талаблари асосида фаолият кўрсатишяпти

(Давоми 2-бетда)

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Муаммо ва ечим

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ...ми?

Ер юзининг учдан бири сув билан қопланган. Жами сув миқдори 1,4 миллиард куб километрни ташкил этади. Яъни Ер юзи аҳолисининг ҳар бирига 350 миллион куб метр сув тўғри келмоқда.

Бироқ, минг афсуски, инсон ҳаётига зарур бўлган чучук сув миқдори барча сув миқдорининг атиги 2,5 фоизинигина ташкил қилиб, унинг ҳам 70 фоизидан кўпроғи қор ва муз қатламларида сақланса, қолган 30 фоизига яқини эса сайёрамизнинг юзасида бетартиб равишда тарқалган кўллар, дарёлар ва ер ости сув заҳираларидир.

Муаммолар кўп, ер юзидаги чучук сув заҳираларининг миқдори камайишда давом этаётир. Бунинг сабаби — сувнинг шўрланиши, минераллашуви ва ифлослашуви кундан-кунга тезлашганида. Ҳозирги кунга келиб, баъзи ҳудудлардаги 1 литр сув таркибида тузнинг миқдори 2-3 граммга етди. Коммунал хўжаликда фойдаланиш ва айниқса ичиш мақсадида ишлатиладиган сув таркибидаги туз 1 граммдан ошса, бундай сув яроқсиз ҳисобланади.

Суғориладиган ер майдонларидаги дарё ва ариқ сувларининг шўрланишига қарши кураш ҳозирги кунда устувор муаммо бўлиб қолди. Шўрланган сувларни пастқам ерларда, чуқурликларда ва жарликларда тўплаш учун ариқлар қазилди. Бу тадбир эса ўз ўрнида дарёлар сувини камайтириб юборди. Тўғри, сув қайси дарёлардан олинган бўлса, худди шу манбаларга яна қайтариб қуюлиши мумкин. Аммо, бунинг учун сув таркибидаги туз миқдори, ҳеч бўлмаса 2-3 мартага камайиши керак.

Ишлаб чиқаришнинг қуввати ўсган сари корхонадан чиқадиган оқава сув миқдори ҳам кўпаяди. Сувнинг ифлослашуви муаммосини тўбдан ўзгартириш фақат чиқитсиз жараённи қўллаш орқалигина амалга ошиши мумкин. Аммо бунинг учун ўнлаб йиллар керак.

Кончилик ишлари ривожланган ҳудудлардаги сув манбаларининг шўрланиши айниқса кучлидир. Баъзан, бундай ерлардаги қудуқлардан сўриб олинадиган сув таркибидаги туз миқдори шу қадар кўпки, бундай сувни туз конидан олинганми дейсиз.

Келажакда мамлакатимиз аҳолисининг кўпайиши муносабати билан, бу муаммо янада кескинлашуви сабабли, биз шўр сувларнинг минераллашувини сунъий йўл билан пасайтиришга мажбур бўлиб қолдик.

Инглиз қироличаси Екатерина 1 XVI асрда кимда-ким чучук сув олишнинг арзон усулини кашф этса, унга 10 минг фунт стерлинг миқдорида мукофот ваъда этган. Бундай миқдордаги пул, бизнинг кунларда ҳам каттагина маблағ бўлишига қарамай, ўша пайтда қиролича томонидан ажратилган 10 минг фунт стерлинг ҳалигача давлат хазинасида ўз кашфиётчисини кутиб ётибди.

Сувни чучуклаштиришнинг усули — шўр сувни музга айлантириш орқали ҳам амалга оширилади. Бунда сувнинг чучуклашган қисми муз заррачаларига айланади. Уларни йиғиб олиб, эритилади ва ичимлик суви олинади. Юзаки бир қараганда осон бўлиб кўринган бу усул кўп меҳнат талаб қилади.

Яна бошқа бир усули, сувдан ажратиб олинадиган тузнинг агрегат ҳолати ўзгартирилмаслиги асос қилиб олинган. Иссиқлик электр станцияларида сув таъминлаш тизимларидаги сувни чучуклаштиришда айнан шу усул қўлланилади. Ушбу йўналиш ва саноатда ишлатиладиган сув миқдори аниқ назорат остига олинган. Истеъмол қилинадиган сувнинг 1 кубометрига, агар сув рўзғорда ишлатиладиган бўлса 50 тийин тўланади, саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлатилган ҳар бир куб метр ер усти суви учун 24 тийин ва ер ости суви учун 30 тийин тўланади. Қарангки, бу электр қувватига тўланаётган нархдан фақат 6-8 мартагина кам холос. Шунга қарамай, исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда.

Уйимиздаги крандан оқиб турган сув, агар асабимизга тегмаса, оқаверади, кранни тузатмаймиз. Кўчада оқиб ётган водопровод кранлари олдидан ҳам пинак бузмай ўтиб кетаверамиз. Кўп қаватли уйларда беҳисоб оқиб ётган сувлар ҳовли майдонларию уй остиларини тўлдириб, қишда музхона, ёзда эса чивинхона қилиб юборишига на маҳалла фаоллари, на ЖЭК ходимлари ва на ҳокимият раҳбарлари эътибор берадилар.

Халқимиз, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб бекорга куюниб айтмаган экан. Ёш болага, нонни увол қилсанг кўр бўласан, деб уқтирганимизда, нега ҳаётимизнинг асоси бўлган сувни қўшиб айтмаймиз? Инсон очликка ҳам чидаши мумкин, аммо сувсизликка чидай олмайди-ку ахир? Демак, сув инсон ҳаёти учун бебаҳодир.

Агар табиат бойликларига «битмас-туганмас иншоот» сифатида қаралса давом этаверсак, ҳадемай биз ҳам Непал, Тибет ва бошқа мамлакатларга ўхшаб,чучук сувни чет элдардан ташиб келишга мажбур бўлмасак деб кўрқаман.

Аъзам АЗИМОВ,
«Табиатмаҳсулот» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси, профессор

Иқтисодиётни эркинлаштириш

(Давоми. Боши 1-бетда)

дейишга ҳали эрта. Маъмурий бошқариш унсурлари мавжуд. Аслида банклар ҳам молия бозорига амал қилишлари керак, улар фаолиятини пул бозоридаги қонун-қоидалар тартиблаб туриши зарур. Амалдаги банк тизими — бу ярим бозор тизимидир. Президентимиз Ўзбекистондаги банк ислоҳотларини чуқурлаштириш ташаббуси билан чиқди. Банк тизимини эркинлаштириш учун уларни универсаллаштириш йўлидан бориш керак, чунки банк ҳаммага хизмат қилувчи, бозор талабига биноан ишловчи молиявий муассасага айланиши зарур.

Банклар мустақиллигини кенгайтириш ҳам давр талаби, улар кредит ресурсларини ҳосил этишда, уларни жойлаштиришда, фоиз даражасини белгилашда мустақил бўлишлари лозим. Банк фаолиятининг жаҳон амалиётида синовдан ўтган тамойиллари борки, улар амалда бўлиши зарур. Булар жумласига ликвидлик, рентабеллик, мижоз манфаати устуворлиги, хавфсизликни таъминлаш киради. Банкларни хусусийлаштириш ҳам улар фаолиятидаги эркинликни кафолатлайди, аммо бу ишнинг дунёда тан олинган йўли банклар акциясини инвесторларга сотишдир. Бу билан давлатга қарашли акциялар бошқалар қўлига ўтади, банк капитали демократлашади. Банклар акцияларини хорижий инвесторларга имкон қадар сотиш ғоят катта аҳамиятга эга, ана шунда иқтисодиётга хориж капитали жалб этилади, банк ишига хориж тажрибаси кириб келади, қўшма банклар ҳосил бўлади.

Банк тизимини қайта қуриш банкларни фақат ўзаро эмас, балки бошқа молиявий ташкилотлар билан рақобатда бўлишини билдиради. Шу ўринда банк тизимига кирмайдиган, лекин банкларга жиддий рақобатчи бўла оладиган ва аҳоли пули билан ишлайдиган майда кредит муассасалари, чунончи кредит ширкатлари ўзаро кредит фондлари, кредит уюшмалари ва ҳар хил кассаларни яратиш молия бозорига зарур эканлигини қайд этиш тўғри бўлади. Банк секторига хизмат қилувчи мукаммал инфратузилмани ҳам яратиш вақти келди. Айниқса, ҳозир банклар учун маркетинг, суғурта, рейтинглаш ва аудиторлик хизматлари сув ва ҳаводек зарур бўлиб қолмоқда.

Банк тизими ривожининг муҳим йўналиши банкларнинг ўзини инвесторларга айлантиришдир. Банклар молиявий аҳволи қийин корхоналар акциясини сотиб олиб уларни соғломлаштиришга ҳисса қўшишлари мумкин. Ўз навбатида банк акцияларининг бир қисми корхоналар қўлида бўлса, молия-саноат гуруҳлари ҳосил бўлади.

Ушбу йўналишда илк қадамлар ташланди. Масалан, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Тошкент авиация ишлаб чиқарш бирлашмасининг 1,5 миллиард сўмлик 351,8 минг акциясини сотиб олди. Республика ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат «Пахта-банк»ининг қимматли қоғозлар портфелида «Ўзпаррандасаноат» ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш»га қарашли қатор акциядорлик жамиятларининг акциялари мавжуд. Бу иқтисодиётнинг молиявий ва реал секторлари ўртасида интеграция жараёни бошланганидан далолат бермоқда.

Ҳозирча фонд бозорида самарали механизмни яратолганимиз йўқ. Мазкур бозор иштирокчилари бўлмиш инвесторлар эмитентлар ҳақида тўла маълумот олишмайди. Реклама яхши йўлга қўйилмаган. Бозордаги воситачилар фаоллиги сезилмайди. Акциялар сотиб олиш миқдори аксарият ХИФларда чегараланган. Бунинг устига акция эгалари ўз вақтида дивидент ололмайдилар, фонд бозорида акцияларни қайтадан сотиш амалда йўқ. Фонд бозорини эркинлаштириш бу бозорга хориж инвесторларининг кўплаб кириб келишини, аҳолининг бўш пулларига акциялар олиниши ва энг муҳими, бизнинг акцияларимиз халқаро бозорга чиқишини таъминлаши керак.

7. Очиқ иқтисодиёт

Эркинлаштириш мураккаб, кўп қиррали жараёндир. Унинг қамрови ғоят кенг. У ички иқтисодий муносабатлар билан чекланмасдан, мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятига ҳам тааллуқли. Шуни назарда тутиб юртбошимиз **«Ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим»** дея қайд этди. Мустақил Ўзбекистон аввал бошданоқ очиқ иқтисодиёт қуриш йўлига ўтди ва бу миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ҳар тарафлама ташқи иқтисодий алоқалар таъсирида кечишини билдиради. Бу алоқалар экспорт ва импорт, четдан капитал киритиш, четга капитал чиқариш, иш кучи экспортини уюштириш, халқаро миқёсда эмитент ва инвестор вазифасини ўташ, халқаро иқтисодий ташкилотларда қатнашиш кабиларни англатади. Улар жаҳон бозорида фаол қатнашиш, бошқа мамлакатлар билан иккиёқлама ва кўпёқлама алоқалар ўрнатишни талаб қилади.

XXI аср нафақат янги техника-технология асри, балки юксак даражада глобаллашган, байналмилал тус олган иқтисодиёт асри бўлиши турган гап. Ўзбекистон ҳам ана шу жараёнда фаол иштирок этишни кўзда тутяпти, чунки иқтисодиётимизнинг очиқлик даражаси анча юқори, экспорт ва импортнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси бўйича дунёда олдинги ўринларда турамиз. Аммо ташқи дунёнинг иқтисодиётимизга таъсири кучайишини ҳисобга олиб, ташқи иқтисодий фаолиятни янада такомиллаштириш зарур бўлади. Ташқи фаолиятни эркинлаштириш уни иқтисодий усуллар билан, яъни тарифлар ва квоталар воситасида бошқарилишини билдиради. Бу усуллар бозор иқтисодиёти табиатидан келиб чиқади, чунки иқтисодиётда ўзўзини тартиблаб туриш механизми борки, бу бозор механизмидир.

Айтилган усуллар иқтисодий алоқаларнинг маърифий усуллари бўлиб, глобаллашув талабларига мос бўлади. Ташқи фаолият эркинлиги фирмаларга ҳам берилиши керак, лекин бу белгиланган тартиб доирасидагина бўлиши мумкин. Улар ташқи бозорга чиқиш учун рақобатлашувлари талаб қилинади. Аммо бунда улар ташқи бозордан бир-бирини қисиб чиқариши керак эмас. Агар шундай бўлса миллий манфаатимизга зарар келтиради, чунки бу экспорт нархини пасайтириб, валюта тушумини қисқартириши мумкин. Агар фирмалар жаҳон бозорида ҳамжиҳатлик билан иш юритсалар, бу мамлакатга катта фойда келтиради. Эркинлаштириш жаҳон бозоридаги талабга мослашишни билиш, керак бўлса у ерда ўз товарига харидор чақира билиш демакдир. Аммо бунинг учун жаҳон бозоридаги ўз сегментини фирмалар яхши билишлари керак, бу эса ташқи бозор маркетингини жаҳон андозалари даражасида уюштиришни талаб қилади.

Ташқи фаолиятнинг такомиллашуви эркинлаштиришнинг яна бир муаммоси билан боғлиқдирки, бу миллий пулни конвертациялаш муаммосидир. Бу борада Президентимиз **«Валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш зарур»** дея уқтиради. Дарҳақиқат, бозор тизими яхлит тизимдир, шунинг учун бошқа бозорлар эркинлашгани ҳолда валюта бозори бундан четда қолиши асло мумкин эмас. Валюта бозорини эркинлаштирмасдан туриб ташқи фаолиятни жадал ривожлантириб бўлмайди. Шу важдан, юртбошимиз айтганидек, **«2000 йилдан бошлаб миллий валютамизни эркин муомаладаги валютага тўлиқ алмаштириш (конвертация қилиш) масаласини ечиш вақти келди».** Аммо валютанинг эркин бозор конвертацияси осонликча кечади деб ўйлаш нотўғри, чунки унинг ҳам аммо-лекинлари бор.

Булардан энг муҳими тегишли қаттиқ валюта тушумларига эга бўлишдир. Бу валюта ҳам товар, унинг таклифи кўп бўлса, нархи арзонлашади ва аксинча таклифи кам бўлса, нархи қимматлашади. Бу эса миллий пулимизнинг валютада ифодаланган қадри-қийматига боғлиқ. Пулимиз қадрини сақлаб қолиш учун барча чоралар билан қаттиқ валюта тушумини кўпайтириш зарур бўлади ва бунга экспортни кўпайтириш орқали эришган маъқул. Миллий бойликни хорижга сотиш ва четдан қарз олиб валюта тушумини кўпайтириш ҳам мумкин (айрим мамлакатларда шундай қилинмоқда), лекин бу миллий мустақиллик нуқтаи назаридан истиқболли йўл эмас. Шу сабабли мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш йўлидан бориш зарур.

Эркин конвертацияга ўтиш кириб келаётган хориж инвестицияларини кўпайтиришни кафолатлайди. Ҳадемай мамлакатга келган хориж инвестициялари миқдори 9 миллиард доллардан ошиб кетади. Аҳоли жон бошига ҳисобланган хорижий инвестициялар ҳажми жиҳатидан пешқадам мамлакатларга яқинлашиб, мазкур кўрсаткич бўйича бозор муносабатига ўтаётган мамлакатлар орасида нуфузли ўринга чиқиш имкони бор. Хориж инвестициялари иқтисодиётимиз қудратини, унинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади, иқтисодий ўсишни таъминлаб, аҳоли даромадларини ошириш учун моддий асос тайёрлайди. Шунингдек, ишлаб топилган даромадни қайта тақсимлаб, унинг тобора катта қисмини халқ фаровонлиги учун ажратиш имконини беради.

Хориж маблағларининг кўпайиши миллий жамғармани тежаш ва шу ҳисобидан истеъмолни кўпайтириш имконини беради. Ўтган йили 28,2 миллиард сўмга тенг хориж капитали Ўзбекистонга инвестицияланди. Агар бу сармоя бўлмаганда шунга тенг миқдордаги маблағни истеъмолдан олиб сарфлашга тўғри келар эди. Хориж инвестицияси туфайли яратилган ялпи ички маҳсулот қийматининг салмоқли қисмини аҳоли даромадига айлантириш имкони бор. Ҳозир аҳоли даромади ялпи маҳсулотнинг деярли 70 фоизини ташкил этади, илгарилари эса бу кўрсакич 55-60 фоиз эди. Бундай ўзгаришларда хориж капиталининг ҳам хизмати бор, албатта.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётни эркинлаштириш янги асрдаги тараққиётимизнинг асосий шарти, бозор механизмини ҳаракатга келтирувчи иқтисодий тараққиёт омилидир.

Аҳмаджон ЎЛМАСОВ,
иқтисод фанлари доктори.
Шуҳрат ЖАББОРОВ,
иқтисодий шарҳловчи

ЎзХДП: ҳисобот-сайловлар

Партиядошлар фаоллиги Ватан равнақига хизмат қилсин!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIX пленуми қарорига мувофиқ, бутун партияда шу йилнинг апрелида бошланган ҳисобот-сайловларнинг иккинчи босқичи якунланди. Унинг биринчи босқичида 14.344 та бошланғич партия ташкилотининг ҳаммасида йиғилишлар ўтказилиб, уларда 450 мингга яқин киши ёки барча ХДП аъзоларининг 90 фоизи иштирок этди.

Айтиш мумкинки, партиядошларнинг бундайин юксак, ҳисобот-сайловлар даврида ҳам фаоллиги бу яқин орада кузатилмаган эди. 56.600 киши маъруза-лар муҳокамасида иштирок этди. Улар ўз сайланма органларининг ишини танқидий руҳда таҳлил этиб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, ХДПнинг маҳаллий ҳамда марказий тузилмалари мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар киритдилар.

Партия аъзоларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини уюштирувчи, уларнинг ғайрат ва имкониятларини олижаноб мақсадлар, долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтиришда муҳим ўрин эгаллаган бошланғич партия ташкилотларининг сайланма органларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Ҳисобот даврида ташкилотчилик қобилиятини намойиш эта олмаган, ташаббуссиз, одамлар эътиборидан тушиб қолган кишилар ўрнига кучғайратга тўлган, бозор шароитларида жамоаларга етакчилик қилишга қодир, ташаббускор, ҳалол меҳнати, юриш-туриши билан обрў-эътиборга эга бўлган ХДП аъзолари БПТ котиблари ва ижроия бюро аъзолари этиб сайландилар. 31 минг киши (шундан 8 мингтаси ёки 26 фоизи аёллар) бошланғич партия ташкилотлари ижроия бюро аъзолари этиб сайландилар.

Янги сайланган котибларнинг ҳар тўрт-беш нафаридан бири ушбу масъул вазифага биринчи марта мушарраф бўлганлиги ва барча котибларнинг тўртдан бир қисми хотин-қизлар эканлиги партиямиз қуйи бўғин етакчиларининг таркиби сифат жиҳатдан яхшиланаётганидан далолат беради. Мажлисларда, ХДП Низомига мувофиқ, 9730 нафар фаол шаҳар ва туман партия кенгашлари таркибига, 26.546 киши шу партиявий тузилмаларнинг конференцияларига делегат қилиб сайланди.

Ҳисобот-сайлов мавсумининг иккинчи босқичи май ойи ўрталарида, шаҳар ва туман партия конференцияларини ўтказиш билан бошланди. Уларда 24.350 киши ёки барча делегатларнинг 92 фоизи иштирок этди. ХДП кенгашлари ва тегишли ташкилотлари тафтиш комиссиялари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар гуруҳларининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот-маърузалар муҳокамасида, шунингдек, ўз ташкилотларининг яқин келажакка мўлжалланган фаолиятининг устувор йўналишларини белгилашда 1700 дан зиёд делегат ва меҳмон қатнашди. Шаҳар ва туман партия ташкилотларининг янгиланган кенгашлари ҳамда тафтиш комиссиялари таркибига 13.320 киши, шу жумладан қарийб уч минг аёл, кирди.

18 июндан 6 июлгача бўлган муддат ичида Қорақалпоғистон республика, Тошкент шаҳар ва вилоятлар партия конференциялари бўлиб ўтди. Уларнинг делегатлари ҳам партия минтақавий кенгашлари ва тафтиш комиссиялари, депутатлар гуруҳларининг олдинги конференциядан кейин ўтган даврдаги ҳисоботларини ҳамда ташкилотлар фаолиятининг келажакка мўлжалланган устувор йўналишларини, шунингдек, ташкилий масалаларни муҳокама қилдилар. Музокараларда 130 киши сўзга чиқди. 1400 партия фаоли, шу жумладан 265 нафар хотин-қиз, ХДПнинг минтақавий ташкилотлари кенгашлари ва тафтиш комиссиялари таркибига сайландилар. Партиянинг бўлажак навбатдаги учинчи Курултойи ва мамлакатда ўтказиладиган ялпи сайловлар муносабати билан барча партия кенгашларига тегишли ваколатлар берилди.

Ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари ва конференциялари, умуман олганда, юксак ташкилий ва ғоявий-сиёсий даражада ўтди, дейишга тўла асос бор. Ушбу анжуманлар партия ташкилотлари, уларнинг жамиятдаги таъсирининг ўзига хос кўриги бўлди. Уларда партия сафларининг жипслиги, унинг ихтиёридаги куч ва имкониятлар намойиш этилди.

Йиғилишлар ва конференцияларга тайёргарлик кўриш жараёнида кўпгина партия ташкилотлари фаоллашдилар, ўз сафларига янги аъзоларни қабул қилдилар, ички партиявий интизомни мустаҳкамлашга эришдилар. Уларнинг давлат ва бошқарув идоралари, турли жамоат ташкилотлари билан амалий ҳамкорлиги кучайди. Юксак савияда ўтказилган Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон республика, Сурхондарё вилоят, Бўстонлиқ, Булунғур ва кўплаб бошқа партия конференциялари жамоатчиликда катта таассурот қолдирди. Бунга партия ташкилотлари ушбу масалага катта масъулият билан ёндашганлари ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Марказий тафтиш комиссияси, ундан сайланган депутатларнинг яқин кўмаги, шунингдек, давлат маҳаллий ҳокимияти идоралари, жамоат бирлашмалари билан алоқалари мустаҳкамлиги туфайли эришдилар.

Партия йиғилишлари ва конференциялари иштирокчилари Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бошчилигидаги мамлакат раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсати, ислоҳотчилик фаолиятини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб, жорий йилнинг 16 февралида Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатларининг ижрочилари ҳамда ташкилотчиларини қаттиқ қораладилар. Улар барча ватандошларимизни Ватанимиз равнақи йўлидаги ўзгаришларга, жамиятдаги тинчлик-осойишталик, миллатлараро иноқликни асрашга қўшаётган ҳиссаларини кўпайтиришга даъват этдилар.

Йиғилиш ва анжуманларда нафақат ички партиявий масалалар, ташкилотларнинг иш ва режалари тўғрисида, балки, мамлакат фуқароларини қизиқтираётган кўплаб муаммолар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Партиямиз аъзолари айрим раҳбарларнинг бозор иқтисодиёти шароитига мослаша ололмаётганликлари ва давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари томонидан уларга етарли кўмак берилмаётганлиги натижасида, қатор корхоналарнинг тўхтаб қолишига, уларнинг баъзиларида ишлаб чиқаришнинг пасайиши ҳамда бунинг оқибатида, ойлик маошларни тўлашда юз бераётган узилишларга, меҳнат жамоаларида ижтимоий масалаларга эътибор сусаяётганига бефарқ қарай олмасликларини билдирдилар. Мамлакат раҳбарияти кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий шериклар билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш сиёсатини изчиллик билан юритаётган бир пайтда, қатор қўшма корхоналар фаолият кўрсатмаётир, ҳаракатдаги барча корхоналарнинг ҳам маҳсулоти экспортбоп эмас ва ҳоказо. Коммунал хизматларнинг сифати яхшиланмай, улар учун тўланадиган ҳақнинг тўхтовсиз ўсиб бораётганлиги, айрим кенг истеъмол моллари (шакар, ўсимлик ёғи, ун ҳамда ун маҳсулотлари ва бошқалар)нинг нархи асоссиз ошиши фуқароларнинг норозиликларига сабаб бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш ва ёш авлодга таълим бериш, уни тарбиялаш билан бевосита шуғулланадиган муассасаларнинг, шунингдек, савдо ташкилотлари ҳамда жамоат транспорти иши ҳам танқид қилинди.

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар учун кучли қонунчилик замини яратилган, давлатимиз раҳбарияти томонидан ташаббускорлик ва тадбиркорлик ҳар томонлама рағбатлантирилаётган шароитда, аҳоли манфаатларига тааллуқли, кўпгина муаммоларнинг ечими, авваламбор, республика Президенти ва халқимиз ишониб қўйган давлат маҳаллий ва бошқарув идоралари, корхона ҳамда хўжалик раҳбарларига боғлиқ. Шу билан бирга, мажлис ва конференцияларда таъкидланганидек, ушбу тузилмаларда хизмат қилаётган ХДП аъзолари ва маҳаллий партия ташкилотлари ҳам мазкур масалалардан четда бўла олмайдилар. Улар маҳаллий раҳбарларга салбий ҳолатларнинг сабабларини очишда ёрдам кўрсатишлари, уларни бартараф этишга қаратилган таклифлар киритишлари, бунга тўсқинлик қилаётганларни танқид қилишлари лозим.

Ҳозирги пайтда, йиғилиш ва конференцияларда билдирилган танқидий фикр-мулоҳаза ҳамда таклифларни ўрганиш юзасидан, таҳлилий ишлар олиб борилмоқда.

Партия йиғилишлари ва конференциялар ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва маҳаллий кенгашлари ҳамда тегишли тафтиш комиссиялари аъзолари, партиядан сайланган депутатлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари раҳбарлари, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари ва бошқа жамоат бирлашмаларининг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларини тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида тўпланган ижобий омиллардан партия қурултойига ҳозирлик кўриш, Ватанимиз — мустақил Ўзбекистонни гуллаб-яшнатиш йўлидаги ишларда самарали фойдаланиш лозим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Офтоб момонинг тафти

Офтоб момо Жўраева қутлуғ 107 ёшини шу нурафшон, мустақил ҳаётда сизу биз билан нишонлаяптилар. Умри Офтобдай боқий бўлсин, чарақлаб юрсин, барчага нур улашсин дея унга шундай исм қўйишган бўлса ажаб эмас. Онахонни қутлаб келганлар унга тикилиб, юзида ажин эмас, нурли нигоҳни кўриб ҳавас қилдилар.

Ҳа, Пастдарғом тумани Мирза Дангалов хўжалиги ҳудудидаги Беглар қишлоғида яшаётган юз ёш билан юзлашган пиру бадавлат Офтоб момонинг муборак таваллуд тўйи ана шундай ўзига хослиги билан жамоатчилик ёдида қолди. Муҳими, момо ҳали бардам, ўйрўзғор ишларида ҳамиша бош-қош. Биз хонадонга ташриф буюрганимизда момонинг тиниб-тинчимаслигига амин бўлдик. Невара келини билан бақамти тандирда нон ёпаётганини кўриб, «умрингиздан барака топинг», дея олдик, холос.

Онахондан бугунги турмушимиз, одамларимиз ҳақидаги фикрларини сўраймиз.

— Болажоним, умр бўйи кўп одамларни кўрдим. Худога минг қатла шукр, халқимиз яхши, босиқ ўйлаб иш қиладиган халқ. Очарчиликларни кўрдим, тўқчилигу йўқчиликларни кўрдим. Юртимиз бой бўлади. Президентимиз бағри кенг инсон. Бундай мард инсонлар кам бўлмайди, болам. Мени айтди, дерсиз. Юртимизни шу одам обод қилади. Унда ўзгача Оталик меҳри бор. Битта неварам Америкада ўқияпти. Унга доим ўқи, ўрган, одамларни яхши кўр, кам бўлмайсан, дейман. Ҳаммаларинг омон бўлинглар, дейди момо юзига фотиҳа тортар экан.

Рустам ШАГАЕВ,
Ҳамза ШУКУРОВ,
ЎзА мухбирлари

Ватанфурушларни маблағ билан ким таъминлаяпти?

«Февраль воқеалари» фильмидан сўнг

Ватанини сотган ўзини ҳам сотади. Оила, болачақа, қариндош-уруғ, юрт ҳақида улардан самимий ва улуғ гаплар кутиш ноўрин. Ўзини йўқотган одамда бундай туйғу бўлиши мумкин эмас.

Мен телевизор орқали «Февраль воқеалари» фильмини кўриб даҳшатга тушдим. Ўз ичимиздан чиққан сотқинлар, элимизнинг тузини еб, тузлиғига тупиргувчи ҳаромхўрлар, ўз йўлини топиб, омон-омон йўлларга эришган Ватанимизни йўқ қилиб юбормоқчи бўлдилар. Булардан сенинг асл мақсадинг нима эди, деб сўрасангиз, тайинли жавоб айтолмайдилар. Фақат ҳокимиятни қўлга киритишдан бошқа ниятлари йўқлиги аён бўлиб қолади. Тоғни урса талқон қилгудек, ёш, ўспирин йигитларнинг мияси шунчалар заҳарланганлиги кишини ҳайратга солади. Юрагини тундлик ва зулмат қоплаган, ичи музлаб қолган бу тахлит нокаслар ҳаммага тиғ кўтариши мумкин.

Мени бир нарса таажжубга солди. Фильмда уларнинг қабиҳ ниятлари ўз тиллари орқали ошкора бўлди. Уларнинг тегирмонига сув қуйиб турган айрим кимсалар қуюқ-қуюқ ваъдалар беришган. Мақсад — истиқлолимизга чанг солиш. Ҳокимиятни ағдариб ташлаш. Бунинг эвазига улар ўз ҳомийларидан марҳамат кўриши керак. Яъни, бирон-бир лавозимни эгаллаши кўзда тутилган. Хўш; шундай кимсаларга юрт тақдирини ишониб бўладими? Улар хоинлар. Энг ёмон томони, ўз қабиҳ ниятини амалга ошириш учун ватанфурушлар ўз ҳомийлари яшириган жойларга бориб, улардан маслаҳатлар олганлар. Ва, катта миқдордаги маблағларга эга бўлишган. Моддий жиҳатдан тўлиқ таъминланиб турилганлар. Ўз онаси, фарзанди, Ватани шаънини пулга сотишган. Буларни қандай қилиб миллатпарвар дейиш мумкин. Бугун сотқинлик қилган одам эртага ҳам кимнидир сотади. Индин ҳам кимларгадир хоинлик қилади. Агар уларнинг мияси бут, фикри тоза бўлганда эди Ватанни, она сутини ҳаром пулларга алишмас эдилар.

Фильмни кўрган бўлсангиз, улар мен фалон жойга бордим, писмадон жойда бўлдим, фалончи билан учрашдим ва ундан шунча маблағ олдим, деб кўргазма бериб, ўз айбларини тан олаяптилар. Хўш, шунча маблағ, шунча пул қаердан келяпти? Буларнинг орқасида ким турибди? Қотилларнинг ҳомийлари ўз маблағларини нима сабабдан давлат тўнтариши учун ишлатишяпти? Бу нокаслларнинг қўлида миллионлаб пуллар ўйнаб юрибди? Бу саволларга ҳар бир ўзбекистонлик жавоб излайди.

Халқ бугун ғалла етиштиряпти, далада ишлаяпти, пешона тери эвазига фарзандларини боқаяпти, керак бўлса истиқлол собитлиги учун бир жону бир тан бўляпти. Юқоридаги, биз айтган Ватан сотқинлари эса халқимиз юзига оёқ қўйяпти.

Ғанимларимиз ёлғиз эмас, лекин биз халқмиз, бир бутун миллатмиз, ҳушёр турсак уларнинг ниятлари ҳеч қачон амалга ошмайди. Президентимизнинг боши омон бўлса, биз у кишининг орзу-умидларини ҳис қилсак — келажагимиз ёруғ бўлади, фарзандларимизнинг яхшилигини, роҳатини кўрамиз, бундан ортиқ бахт йўқ.

Менинг назаримда Ватанга тиғ кўтарган палидлар қўлига маблағ бериб, уларни гиж-гижлаган, шу нарса эвазига уларни сотиб олган айрим кимсаларнинг ҳам асл қиёфаси намоён бўлади.

Убайдулла АҲМЕДОВ,
Пойариқ тумани.

Қўлбола... зарарли экан

Навоий вилояти давлат солиқ бошқармасининг навбатчилик қисмига ўрнатилган 062 рақамли «Ишонч» телефони дамба-дам жиринглаб туради. Одамларга бу рақам яхши таниш. Савдо, маиший хизмат ва бошқа соҳалардаги қонунбузарликларни шу телефон орқали солиқчиларга маълум қилиб туришади.

Навбатчилик қисми фаолияти билан танишиб турган эдик, телефон яна жиринглаб қолди. Кўнгироқ қилган одам ўзининг кимлигини айтмади-ю, лекин бир воқеани батафсил сўзлаб берди:

Қизилтепа шаҳар, Нодирабегим кўчасида истиқомат қилувчи 1972 йилда туғилган фуқаро Музаффар Ҳамидов ярим литрлик шишаларда қўлбола яхна ичимликлар ишлаб чиқариб, уларнинг ҳар бирини 25 сўмдан пуллаётган эмиш.

Дархол солиқчилар сохта «тадбиркор»нинг қўлбола ичимлигидан «татиб» кўришга ошиқдилар. Вилоят давлат солиқ бошқармаси ходимларидан бири сир бой бермай Музаффарнинг хонадонига худди оддий харидордек кириб борди. Улфатлар келадиган бўлиб қолди, деб бир яшик «Фанта», бир яшик «Спрайт» харид қилди. Шу савдонинг устига тезкор гуруҳ аъзолари келиб қолишди ва текширув чуқурлашди.

Музаффар кўримсиз хоналарнинг бирини яхна ичимликлар ишлаб чиқарувчи махфий цехга айлантирган экан. Қўлида ҳеч қандай ҳужжати йўқ, хона санитария меъёрларига умуман жавоб бермайди. Ичкарига киришингиз билан ичимлик тайёрловчи мослама, шишаларни қопқоқловчи ускуна, бўш идишлар, яшикларда сотувга шай қилиб қўйилган турли рангдаги ичимликлар кўзга ташланади.

Солиқ тизимида

Солиқчилар хонадаги бор нарсаларнинг ҳаммасини рўйхатга олдилар. Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги «Ширин» фирмасига қарашли 236 дона яхна ичимликлар ёрлиғи, минг донадан ортиқ шиша қопқоқлари, 580 шиша тайёр ичимликлар ашёвий далил сифатида Қизилтепа туман давлат солиқ инспекцияси ихтиёрига олинди.

Музаффар Ҳамидов ичимликлар ишлаб чиқаришда қўшиладиган 11 литрли қизил бўёқ, 3,5 литр сариқ бўёқ, 2 литр кўк бўёқ ҳам ғамлаб қўйган экан. Улар ҳам олиб қўйилди. Тайёр маҳсулотлар санитария-эпидемиология маркази томонидан экспертиза қилинганида улар истеъмол учун мутлақо яроқсизлиги, санитария-гигиена меъёрларига умуман жавоб бермаслиги маълум бўлди. Ранг берувчи бўёқларнинг сунъийлиги ва инсон саломатлиги учун ғоят зарарли эканлиги исботланди.

Тадбиркорликнинг тақиқланган турлари билан шуғулланувчи кимсалар кунлар исиши билан каттакичик дўконларни турли рангдаги сохта салқин ичимликлар билан тўлдириб юборишганлиги оммавий рейд пайтида маълум бўлди.Солиқчилар Навоий шаҳрида жойлашган «Юксалиш» хусусий фирмаси дўконидан 870 шиша, «Нисо ЛТД» қўшма корхонасига қарашли савдо омборидан 2133 шиша, Ғиждувон туманидаги «Ширин» фирмасидан кирим қилинган 34,1 минг сўмлик яхна ичимликларни олиб, санитария-эпидемиология маркази экспертизасидан ўтказишганида, улар истеъмолга яроқсиз эканлиги аниқланди. Ички ишлар бўлими ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган бундай рейд ва текширувлар яна давом эттирилади.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари

ҲАФТАМОК, КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 12

TV

17.40 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.00 Янгиликлар.
18.10 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Денгиз итлари». Мультсериал. 6-серия.
18.35 «ТВ-патруль».
18.45 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги. «Менинг Тошкентим». «Ўзбектелефильм» премьераси.
21.35 «Қўшиқ — маънавият кўзгуси».
22.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 63-қисм.
23.05 «Маънавият» дастури.
00.05 «Ахборот».
00.35 Экранда кинокомедия. «Автомобилдан сақланинг».
02.00-02.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 12 июль куни «Ўзбекистон-I» телеканали кўрсатувлари соат 6.30 дан 17.40 гача ЎзТВ-II «Ёшлар» телеканали орқали намойиш этилади.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.40 «Таҳлилнома».

*

8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Умрбоқий ва ҳамиша навқирон», «Дастлабки пойга».
9.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Диёр мадҳи». Концерт.
10.00, 12.00, 14.00 Янгиликлар.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.40 Кундузги сеанс: «Бембининг ёшлиги». Бадиий фильм.
12.05 «Бошланғич таълим — шахс қамолотининг пойдевори».
12.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
13.00 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
13.15 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
13.35 «Оила». Тележурнал.
14.10 «Сиҳат - саломатлик» почтасидан.
14.30 «Оқ бўрилар». Бадиий фильм.
16.10 Футбол бўйича Ўзбекистон ва Малайзия миллий терма командаларининг халқаро дўстлик учрашувидан репортаж.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ким эпчил-у, ким чаққон», мульттомоша)
18.40 «Буюк юрт фарзандиман».
18.55 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
19.00 «Давр» Ахборот дастури.
19.30 «Кафолат».
19.40, 20.30, 23.15 Эълонлар.
19.45 «Дон Кихот» Кўп қисмли телевизион бадиий фильм.
20.35 «Жаҳон» Халқаро шарҳ.
20.55 «Мусиқий лаҳза».
21.00 «Давр» Ахборот дастури.
21.30 «Муносабат».
21.50 «Душанбада кўришгунча».
22.10 «Биринчи мўъжиза».
22.30 Янги овоз: Санжар Холхўжаев.
22.45 «Олам футболи».
23.05 Шарқ эстрадаси.
23.25 Синема «Қочишга жой йўқ». Детектив.
00.55 «Хайрли тун!»

TV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Жаҳон жўғрофияси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.15 Телефильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Спорт тайм».
21.45 «Янги иқтисод».
22.20 «Биз Сизга бахт тилаймиз».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Биллур шарча». 2-серия.
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
18.15 Душанба куни Познер билан. «Никобдаги киши» дастури.
19.00 Мисс Марпл «Кўрсатгич бармоқдаги узук» детективида. 1-серия.
20.00 «Время».

*

20.35 «Индаба». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «ТВ-4да немис тўлқини».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Чангалзорлар қироли». Бадиий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 Тунги сеанс. «Маймунлар сайёрасининг янги сирлари». Бадиий фильм.
02.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА 14

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Т. Жалилов номидаги академик халқ чолғу оркестрининг 60 йиллигига.
9.20 «Қишлоқ стадионларида». Адабий кўрсатув.
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 1-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Абитуриентлар, сизлар учун. Адабиёт.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

10.30 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.45 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
11.15 «Қувноқлар даврасида».
11.40 «Умид учқунлари».
12.05 Кундузги сеанс. «Отни ким эгарлайди?». Бадиий фильм.
13.15 «Талаб ва таклиф».
13.40 «Санъат олами».
14.10 «Денгиз итлари». Мультсериал. 7-серия.
14.35 «Дилхирож». Бадиий публицистик кўрсатув.
15.05 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
15.30 «Устоз».
15.45 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
16.20 «Ой камалаги». Бадиий фильм.
17.45 «Жаҳон спорти».
18.10 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Денгиз итлари». Мультсериал. 8-серия.
18.35 «Тараққиёт йўли».
18.50 «Сени Ватан кутади».
19.05 «Фермер». Телетанлов.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим — истиқболим».
21.25 «Санъатим — саодатим». Зоҳида Умарова.
21.45 «Қизлар даврасида».
23.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 64-қисм.
00.05 «Ахборот».
00.35 «Канонир Доласнинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-серия.
01.50—01.55 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 63-қисм.
18.55 «Ёшлар» телеканалида.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Аждодлар хотираси». Ҳазрати Башир.
19.50, 20.40, 23.20. Эълонлар.
19.55 «Дон Кихот». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм.
20.45 «Ҳамкорлик».
20.55 «Мусиқий лаҳза».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Менинг орзуим».
21.35 «Марду-майдон».
21.55 «Мутолаа».
22.10 «Ёшлар» телеканалида.
22.15 «Аёл васфи». Концерт дастури.
23.00 «Кинотилсим».
23.25 Синема «Қалбаки ой».
01.10 «Янги тонг!».

TV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Жаҳон жўғрофияси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ёшлар ҳудуди».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Моҳир».
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Морена Клара» . Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
02.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Жонли сайёра».
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
18.15 «Спорт-клуб».
18.30 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Тулки хонимнинг тўйи». 1-серия.
18.45 «Уорлднет» янгиликлари.
18.55 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
19.00 Мисс Марпл. «Кўрсатгич бармоқдаги узук» детективида. 2-серия.
20.00 «Время».
20.35 «Индаба». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «ТВ-4да немис тўлқини».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф. «Чангалзорлар қироли». Бадиий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 Тунги сеанс. «Маймунлар сайёрасининг янги сирлари». Бадиий фильм.
02.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА 15

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ойдиндур қўшиқнинг йўллари», Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 64-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Абитуриентлар, сизлар учун. Она тили.
10.25 «Фан — тараққиёт негизи».
10.50 Абитуриентлар, сизлар учун. Математика.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

11.15 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.30 «Орзулар қанотида».
12.05 Кундузги сеанс: «Кичик боланинг катта ташвиши». Бадиий фильм.
13.05 «Етгил камолга». Спорт дастури.
13.20 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.45 «Ранглар жилоси».
14.10 «Денгиз итлари». Мультсериал. 8-серия.
14.35 «Кафолат».
14.55 «Ўзбек куйларидан концерт».
15.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. Телевизион фильмлар кўриги. «Сименс — Ўзбекистонда».
15.35 «Ўз ўрнидаги одам».
15.45 «Ислоҳот имкониятлари».
16.05 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
16.40 «Эртаклар тарк этган дара». Бадиий фильм.
18.10 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Денгиз итлари». Мультсериал. 9-серия.
18.35 «Аруз гулшани».
18.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.15 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 Олтин мерос. «Барҳаёт қаройиб рақсларини ижро этганча қўшиқ айта бошлади. Фақат Жексонгагина хос ўйин услуби ҳаммани жунбушга келтирди. «Поп мусиқаси қироли» атиги 35 минут давом этган концертида ўйингоҳда йиғилган 60 мингга яқин мухлисларни ва телевизор орқали томоша қилаётган 6,24 миллион кишига беҳисоб хурсандчилик ҳадя этди.

Рақс ва қўшиқ мухлислари дунёнинг бошқа таниқли санъаткорларини АҚШнинг Индиана штатидаги неграр маҳалласидан чиққан оддий ишчининг ўғли Майкл Жексондай сева олмаса керак. Буюк санъаткорнинг айтишича, унинг бу йўлни танлашига отаси Жозеф Жексон сабабчи бўлган.

Майкл доим ёш бўлиб қолишни истайди. Қоматини сақлаб қолиш учун қўлидан келган муолажаларни қилади. У кўп вақтини доимий ҳамроҳи бўлган маймун қўғирчоғи билан ўтказади. Ҳозир санъаткор янги альбомини чиқариш тараддудини кўрмоқда.

Ўтган ҳафтада Америка «супер юлдузи» Майкл Жексон Мюнхендаги олимпия ўйингоҳида катта концерт берди. Тепасига «Поп мусиқаси қироли» деб ёзиб қўйилган саҳнада эртаклардаги каби қоматли ва исътедодли ҳамда севимли Жексон пайдо бўлди. Мухлис ва мухлисалар уни зўр олқишлар билан кутиб олди. Шундан сўнг Майкл лабида нимтабассум билан ўзининг

ри».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Хусусийлаштириш : қадамбақадам.
20.20 «Нафосат улашиб». Манзарали фильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўзгу». Тележурнал.
21.45 «Ҳайрли оқшом».
22.10 «Бильярд олами».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Мюзик-холл».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Тулки хонимнинг тўйи». 2-серия.
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
18.15 «Инсон ва қонун».
19.00 Мисс Марпл «Унутилган қотиллик» детективида. 1-серия.
20.00 «Время».
20.35 «Индаба». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?»
21.30 «Дил изҳори».
21.40 Ўзбекистон — Болгария. Хамкорлик ва истиқболлари».
22.00 «Вести».
22.30 Оскар мукофоти: «Момақалдироқли довон». Бадиий фильм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 Тунги сеанс. «Маймунлар сайёрасининг забт этилиши». Бадиий фильм.
02.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА 16

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
9.15 Мумтоз қўшиқлар.
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 2-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Абитуриентлар, Сизлар учун. Физика.
10.25 Немис тили.
10.55 Абитуриентлар, сизлар учун. Биология.

Болаларнинг ёзги таътил кунларида:

11.20 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.35 «Кичкинтой устахонаси».
12.05 «Бир сиқим тупроқ».
12.25 Кундузги сеанс: «Бувам, Килиан ва мен». Бадиий фильм.
13.45 «Камолот сари».
14.10 «Денгиз итлари». Мультсериал. 8-серия.
14.35 «Турон қизлари».
14.50 «Юртим жамоли».
15.05 «Шарқ эстрадаси».
15.25 Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига. «Огаҳий назми».
16.00 «Сомон йўли».
16.30 «У замонлар ўтиб кетди». Бадиий фильм.
17.45 «Таянч нуқтаси».
18.10 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Денгиз итлари». Мультсериал. 9-серия.
18.35 «Аёл дунёни тебратар». Бадиий- публицистик кўрсатув.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Адолат мезони».
21.25 «Ўзбекистон бастакорлари». Имомжон Икромов.
22.00 «Банк — иқтисодиётимиз таянчи».
22.20 «Яна ўша Насриддин». Бадиий фильм. 1-2 сериялар.
24.00 Ёш хонандалар концерти.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.0 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Дунё ва болалар»),
18.20 Ҳужжатли кино бисотидан: «Алпомиш».
18.45 «Ёшлар ва маънавият».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Далил ва шарҳ».
19.45, 20.20, 23.10. Эълонлар.
19.50 «Дон Кихот». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм.
20.25 «Саломат бўлинг». 3-кўрсатув.
20.55 «Мусиқий лаҳза».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Менинг орзуим».
21.35 «Азизим».
22.00 Мусиқий дастур.
22.20 «Ёшлар» телеканалида.
22.25 «Автосалтанат».
22.40 «Мени кечиринг, одамлар...».
22.55 «Жаҳон эстрадаси».
23.15 Синема. «Ўзимиз каби одамлар».
02.15 «Мунаввар тонг истаб».

TV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 Кўнгил тароналари.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ёшлар ҳудуди». «Умид» талабаларининг Японияда таҳсил олаётгани ҳақида.
11.40 «ТВ ва театр».
12.05 «Тошкент ва тошкентликлар».
12.20 «Дутор навоси». Т. Алиматов. 2-кўрсатув.
12.40 Кинонигоҳ.
14.20 «Туризм ҳақида».
14.50-15.00 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт» . Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Жаҳон жўғрофияси».
19.10 «Кулишни унутманг» . Дам олиш дастури.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
20.15 Телефильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Рақслар жилоси».
21.45 «Фаровонлик бекати».
22.10 Катталар учун эртак.
22.25 «Мусиқий дақиқалар».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 «Тунчироқ».
00.25 Оҳанглар ва эълонлар.
00.35 Кинонигоҳ.
02.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «ТВ-4 да немис тўлқини».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «СНН- шоу».
17.15 «Графиня де Монсоро». Кўп серияли бадиий фильм.
18.20 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Ёвуз руҳ ва унинг бувиси». 2-серия.
18.35 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.00 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Индаба». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
21.45 «Дипкурьер».
22.00 «Вести».
22.30 Кинонинг олтин асри. «Тиғ устида югураётганлар». Бадиий фильм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 Тунги сеанс. «Маймунлар сайёрасидан қочиш». Бадиий фильм.
01.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА 17

TV

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 «Ҳидоят сари».
9.40 «Тадбиркорлик: бугун ва эртага».
10.00 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».

«Умид» намойиш этади:

10.15 «Талабалар саҳнасида».
10.45 «Мен билган, билмаган дунё».
11.10 «Ёзувчи ва замон».
11.35 Кундузги сеанс. «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.
12.50 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
13.25 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
13.55 «Нотаниш дил суҳбати».
14.10 «Денгиз итлари». Мультсериал. 10-серия.
14.35 «Қиёфа».
14.55 «Билмайин босдим тиканни».
15.20 Абдулла Аъзам. «Усмон Носир қаерда?» Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқий драма театрининг спектакли.
16.30 «Қизлар давраси».
18.00 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Денгиз итлари». Мультсериал. 11-серия.
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 21.00, 23.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Зиё».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ ҳаёти».
21.30 «Буюк келажак-2000». Телемарафон.
22.00 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
23.05 «Ним — жинни аёл». Теленовелла.
23.20 «Ахборот».

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.

23.50 Куй ва тасвир.
00.10 «Икки соҳил, икки тақдир». Бадиий фильм. 1-серия.
01.50-01.55 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 63-қисм.
10.40 «Ёшлар» телеканалида.
10.45 Мусиқий дастур.
10.55 «Ракурс».
11.15 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.35 «Танишинг: Исроил Саидмуродов».
11.50 «Менинг орзуим».
11.55 «Спектаклдан сўнг».
12.15 «Ёзги таътил». «Пан Клякса саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-қисм.
13.20 «Биринчи мўъжиза».
13.40 «Мусиқий глобус».
14.00 «Рамаяна». Телесериал.
14.35 «Биринчи мўъжиза».
14.55 «Семург».
15.10 «Эски альбомдан».
15.15 «Тарзан». Телесериал.
16.00 «Кутилмаган меҳмон».
16.20 Синема.
17.50 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», Мультфильм).
18.30 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
18.35 «Мусиқий лаҳза».
18.45 «Телевикторина».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Матбуот».
19.50, 20.30, 23.20. Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Дилбарим».
20.55 «Эски альбомдан».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Сир».
21.55 «Туйғу».
22.15 «Ер ишқи». Мусиқий дастур.
22.20 «Синема-шоу».
22.55 «Мусиқий лаҳза».
23.00 «Кинотақдим».
23.25 Синема. «Елгиз ўзи».
01.00 «Шарқ тароналари».
01.20 «Хайрли тун!»

TV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтах тонги».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз».
9.40 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.55 «Мисли гавҳар».
10.15 Болажонлар экрани.
11.35 «Ҳамкорлик».
11.50 «Янги ой чиққан кеча».
12.10 «Рақслар жилоси».
12.35 «Бева Бланка». Телесериал.
13.20 «Ибрат».
13.45 «Ҳамшаҳарлар».
14.10 «Ёввойи табиат».
15.00 «Дўстлик» видеоканали. «Чинсен», «Умид».
15.45 Кинонигоҳ.
17.20 «Спорт-тайм».
17.45 «Жозиба».

*

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
19.15 «Ер курраси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ёшлар кўчасида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таянч».
21.45 «Тасанно».
22.45 «Даллас». Телесериал.
23.35 «Тунги пойтахт». Ахборот дам олиш дастури.
00.05 Оҳанглар ва эълонлар.
00.15 Кинонигоҳ.
01.50 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4tv

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф. «Мелодрама». Бадиий фильм.
11.10 «Жонли сайёра».
11.25 «6х9». Телеўйин.
12.25-13.00 «Юлдузли чорраҳа».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бинафша».
Россия жамоат телевидениеси.
18.10 Кумуш серия. «Биринчи бўлиб ур, Фреди!» комедиясида.
20.00 «Время».
20.35 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
22.20 «5 дақиқа ўзинг учун».
22.25 «Дил изҳори».
22.35 «Экран зийнати».
22.55 Кинематограф . «Мен кимман?» Бош ролда Джеки Чан.
00.55 «Ахборот» (рус тилида)
01.20 Тунги сеанс. «Қайсар қизнинг қўйилиши». Бадиий фильм.
02.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА 18

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Буюк келажак-2000». Телемарафон.
9.30 «Янграсин шўх яллалар». Мусиқий дастур.
9.45 «Ғаройибот».

«Умид» намойиш этади:

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Нурли келажак».
11.30 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
11.50 Кундузги сеанс. «Ўғирлик». Бадиий фильм.
13.20 «Шоҳруҳ» клуби.
13.50 «Мозийдан бир мўъжиза».
14.05 «Денгиз итлари». Мультсериал. 11-серия.
14.30 С. Сиёев. «Раҳбаримсиз рафиқам». Теленовелла.
14.50 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Ички Ишлар вазирлиги ғолибларининг якунловчи концерти.
15.50 «Садоқат».
16.15 «Ринг». Спорт дастури.
16.40 «Бўстон». Тележурнал.
17.10 «Чантраморе». Қисқа метражли бадиий фильм.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.40 «Ер васфи». Мусиқий дастур.
18.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 22.35 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
22.00 Телевизион миниатюралар театри.
22.40 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс.

«Аср мўъжизаси» кинодастури.

22.55 Кино янгиликлари.
23.15 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.35 «Ой-44» . Бадиий фильм.
01.5 -01.10 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Якшанбада яхши дам».
9.40 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
10.30 «Дил рози». Мусиқий дастур.
10.40 «Инглиз тили Сиз учун».
11.05 «Ёшлар» телеканалида.
11.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». 64-қисм.
12.00 «Лаззат».
12.20 «Сиз севган хонанда: Илҳомжон Иброҳимов».
12.40 «Ёзги таътил». «Пан Клякса саргузаштлари». Бадиий фильм. 2-қисм.
13.55 «Цирк, цирк, цирк».
14.15 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
14.20 «Баҳс».
14.50 «Мусиқий лаҳзалар».
14.55 «Рамаяна». Телесериал.
15.30 «Болалар дунёси».
15.50 «Азизим».
16.15 Синема.
17.40 «Хит-коллекция».

***

18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Билаган маслаҳати»).
18.25 «Китоб жавонингизга».
18.40 «Ширин орзулар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Синфдош».
19.55, 20.35, 23.40 Эълонлар.
20.00 «Рамаяна». Телесериал.
20.40 «Дунё ҳафта ичида».
20.55 «Каталог».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Чироғи ёниқ уй». Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова. 2-қисм.
22.00 «Ойдин кечалар».
23.00 «Бари ҳазил».
23.15 Спорт дастури:
1. Спорт ҳафтаномаси.
2. Миллионлар ўйини.
23.45 Синема.
01.00 «Хайрли тун!»

TV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз».
9.40 «Ёрилтош». Мульттўплам.
10.00 Болажонлар экрани.
11.30 Уйғун. «Ибн Сино». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.10 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
13.30 «Бева Бланка». Телесериал.
14.15 «Тасанно» (такрор)
14.55 Спорт оламида.
15.10 «Гиннес» шоу.
15.35 «Камолот сари»
15.50 Такрорий фильмлар экрани.
17.30 Дилором наволар.
17.55 «Якшанбадан-якшанбагача».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Латифа».
19.05 Табриклаймиз, қутлаймиз.
19.25, 19.55, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома».
20.05 «Дурдона».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллигига. «Ибрат».
21.35 «Якшанбадан — якшанбагача».
21.50 «Даллас». Телесериал.
22.40 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
23.15 «Тунги пойтахт». Дам олиш кўрсатуви.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00 Кинонигоҳ.
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4tv

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.10 «Парле ву франсэ?»
10.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
10.45 Кинематограф. «Тренер ва қуч». Бадиий фильм.
12.20 «Фан-тайм». (Болалар учун инглиз тили)
12.30 «Тенгдошлар».
12.50-13.45 «Дўстлик» видеоканали. «Диллар дилга туташгай», «Дидар», «Айчурек».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мюзик-холл.
18.15 «Бу ажиб дунё».
Россия жамоат телевидениеси.
18.30 Ёзги кинотеатр. Александр Абдулов «Даҳо» фильмида. 1-қисм.
20.00 «Время».
20.35 «Даҳо». Бадиий фильм. 2-қисм.
22.00 «Интернет» ҳудуди.
22.15 «Кинопрофи».
22.35 Лаки-Страйк намойиш этади. «Роузлар жанги».
00.25 «Таҳлилнома» (рус тилида)
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

«АЛАН-СЕРВИС» АЖ
барча турдаги
тракторлар
эҳтиёт қисмларини
таклиф этади
Дўконимизда ҳамиша Т-28, МТЗ-80, «Алтай» ва бошқа русумли тракторларнинг 500дан ортиқ эҳтиёт қисмлари пул ўтказиш йўли билан сотилади
Манзил: Тошкент шаҳри, Жаркўрғон кўчаси, 43-уй, «Сельхозэапчасти» дукони.
Телефон: (3712) 96-63-21.

Топилмас

Дўстгинам, қулоқ ос айтар сўзимга,
Урилди ҳур еллар менинг юзимга,
Ватаннинг тупроғин сурай кўзимга,
Доим ҳам бундайин имкон топилмас.

Ишонма сен ёлғон, пуч ваъдаларга,
Ватан деб лоф урган ғамзадаларга,
Кўксингни очгил ҳур шабадаларга;
Бундай замон, бундоқ даврон топилмас.

Тоғдай халқ бор экан, кўнглинг бўлсин тўқ,
Нишонга тегмагай ёвлар отган ўқ,
Беҳуда қон тўкмоқ ҳеч бир динда йўқ,
Ватанфуруш дилда иймон топилмас.

Боболар ўтган ер ҳурматин сақлаб,
Ёр-дўстлар кўрсатган иззатни оқлаб,
Чиққил адолатни ҳамиша ёқлаб,
Адолатдек метин қалқон топилмас.

Мозийдан гоҳ қувонч, гоҳ додлар келур,
Ватан, Ватан деб фарёдлар келур,
Аждодлар руҳидан имдодлар келур,
Бундоқ муқаддас ер, осмон топилмас.

Бу йўлда топилгай толиб ҳоргувчи,
Пешона терини қонга қоргувчи,
Лек улуғ манзилни кўзлаб боргувчи
Карвондек шарафли карвон топилмас.

Бир кун боқиб босган изларимизга,
Шуъалар ёйилгай юзларимизга,
Дегаймиз ўғилу қизларимизга:
Ватандек муқаддас макон топилмас.

Абдулло ШОНОСИР

Шартнома шартларида бажараш — тараққиёт омили

Ислоҳот ва масъулият

Ҳисобли дўст — айрилмас, дейдилар. Бинобарин, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳар бир корхона, ташкилот шартнома шартларини ўз вақтида бажариши муҳим аҳамият касб этади.

Биз XXI аср бўсағасида турибмиз. Мамлакатимиз янги асрга ривожланган мустақил юрт сифатида кириб бориш учун иқтисодий ўсиш йўлида дадил одимлар ташлаяпти. Чунончи, ҳар бир корхонани эркин ривожлантириш йўлидаги ҳаракатлар самара бера бошлади.

Эндиликда омборларни тўлдириш учун маҳсулот ишлаб чиқаришнинг фойдаси йўқ. Бозор талаби шуки, ҳамонки маҳсулот тайёрландими, у дарҳол истеъмолчига етказиб берилиши, яъни сотилиши керак. Пировардида сотилган товардан тушган маблағ корхонани янада ривожлантиришга, охир оқибатда ишчи- хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини яхшилашга хизмат қилади. Демак, шу йўсинда мамлакатнинг истеъмол бозори тўлиб боради.

Юртимизда тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олган илғор корхоналар талайгина. Улар авваламбор ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хомашё етиштирувчилар ва истеъмолчилар билан иқтисодий алоқаларни тобора мустаҳкамлаб бормоқдалар. Бу борада «Тошкентсут» ҳиссадорлик жамиятида қилинаётган ишлар тахсинга лойиқдир. Бир неча йиллар аввал бу корхона иқтисодий алоқаларнинг бўшашиб кетганлиги оқибатида инқирозга юз тутмоқда эди. Чунки, корхонанинг дебитор, кредитор қарзлари кўпайиб қолганди. Ўша пайтларда корхона ўз маҳсулотларини истеъмолчиларга, яъни корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва савдо идораларига етказиб берарди-ю, пулини вақтида ололмас эди. Кўп мижозлари тўлов қобилиятини йўқотиб қўйганди.

Ўз навбатида корхона ҳам хомашё етказиб берувчи хўжаликлардан қарздор эди. Қарзини вақтида тўламагач, хомашё ҳам ўз вақтида етиб келмасди. Жамоа хўжаликлари, фермерлар нақд пул тушумига эга бўлмагач, корхона билан алоқани узиб қўйишга мажбур бўлишарди. Ҳайриятки, кейинги икки йил ичида ана шу камчиликларни тугатиш йўлида астойдил ҳаракат қилинди ва ижобий натижага эришилди. Ҳозирги кунда корхона хўжаликлардан хомашёни ўз вақтида олиб турибди. Ҳисоб-китобларни ҳам аъло даражада амалга оширяпти. Корхона ўз маҳсулотларини тўлов қобилиятига эга бўлган бақувват мижозларга сотаяпти. Ҳиссадорлик жамияти аъзолари эса мўмайгина дивиденд олиб туришибди.

Умуман олганда, «Тошкентсут» ҳиссадорлик жамиятида асосан сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бу ерда қаймоқ, қатиқ, сузма, музқаймоқ ва бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда. Маҳсулотлар сифатли бўлганлиги учун харидоргир.

Корхонада хорижий фирмалар лойиҳаси асосида «Тетра-пак» линияси ишга туширилган. Бу ерда турли мевалардан тайёрланган, бир литрли ҳамда икки юз граммли пакетларга жойлаштирилган шарбатлар халқимизга манзур бўлмоқда.

— Цехимизда бор-йўғи 16 киши меҳнат қилади, — дейди цех бошлиғи Жамолиддин Нуриддинов. — Замонавий хорижий технология бизга қўл келяпти. Масалан, бир литрли пакетларга қуйилган шарбатлардан соатига 3 тонна-ю 600 литр қадоқлаяпмиз. 200 граммли шарбатдан эса соатига 4500 пакет ишлаб чиқариляпти. Шуниси қувончлики, маҳсулотларимиз халқимизга манзур бўлмоқда.

Корхона меҳнат аҳли иқтисодий ривожланиш йўлидан дадил бормоқда. Бу албатта хиссадорлик жамиятига айлантирилганлигининг самарасидир. Масалан, корхона номинал қиймати 915 сўмлик акциялар чиқарди. Умумий қиймати 79 миллион сўмлик акцияларнинг 26 фоизи ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчиларига, 15 фоизи юқори ташкилотга , 10 фоизи эса четга сотилган. 49 фоиз акция эса «Демир» фирмаси томонидан сотиб олинган. Корхонанинг ушбу фирма билан ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда. Барча цехлардаги технологик линияларни, асбоб-ускуналарни янгилаш, ҳозирги замон талабига жавоб берадиган дастгоҳларни олиб келиб ўрнатишда фирма муносиб ҳисса қўшаяпти. 2000 йил ўрталарига бориб, корхона цехларини таъмирлаш, қайта жиҳозлаш ишлари тугалланади.

«Тошкентсут» ҳиссадорлик жамияти раиси Равшан Мирқосимов корхонада эришилаётган ютуқлар ҳақида шундай деди:

— Биз Тошкент шаҳри атрофидаги хўжаликлардан, фермерлардан ва шахсий хўжаликлардан кунига 20 тонна сут қабул қилиб олаяпмиз ва хомашёни ўз вақтида қайта ишлаб, мижозларга етказиб беришга улгуряпмиз. Бундан ташқари, корхонамизда музқаймоқ цехи ҳам ишлаб турибди. Маҳсулот эса харидорсиз қолмаяпти.

Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида бирмунча ютуқларга эришилди. Масалан, 1997-98 ўқув йилида жамият ўз ҳисобидан корхонада ишлаётган йигит-қизларнинг олий ўқув юртига кириб ўқишлари учун шартнома асосида 14 кишига ёрдам берди. Бу ёшлар ўқишни битиргач, олий маълумотли мутахассис сифатида яна ўзимизнинг корхонага қайтиб келадилар.

Бу йил Президентимиз томонидан Аёллар йили деб эълон қилинган. Корхонамиз ишчиларининг тенг ярми яъни 200 нафари аёллардир. Биз биринчи навбатда оналаримиз, опаларимиз, сингилларимиз бўлмиш аёлларни эъзозлашга ҳаракат қилаяпмиз. Уларга қулай шароитлар яратиб бераяпмиз. Ажойиб боғчамиз бор. Унинг таъминотини янада яхшиладик.

«Тошкентсут» ҳиссадорлари ана шундай ғамхўрликлардан руҳланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини ва сифатини янада оширмоқдалар. Масалан, шу йилнинг иккинчи чорагида халқ истеъмоли моллари ҳамда сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича режалар 160 фоизга бажарилди. Музқаймоқ цехида эса маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилларга нисбатан 4 баробар кўпайди. Корхонанинг йиллик товар ишлаб чиқариш айланмаси 400 миллион сўм бўлса, шу йилнинг 6 ойи мобайнида 10 миллион сўмлик соф фойда олинди.

Ҳа, тараққиёт йўлига тушиб олган корхонанинг режалари янада юксак. Улар янги асрни ривожланишнинг ойдин йўлида кутиб олишмоқчи.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари

Корхоналар, муассасалар, савдо ташкилотлари ва тадбиркорлар диққатига!

«Тошкентсут» ҳиссадорлик жамияти

Қадоқланган сут ва сут маҳсулотлари:
сут, қаймоқ, сметана,
юмшоқ пархезли
сузма, гўдак болалар учун сут ҳамда
турли мева шарбатларини пул ўтказиш
йўли билан

СОТАДИ

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри, Чилонзор 26-мавзе,
«Тошкентсут» ҳиссадорлик жамияти.
Телефонлар: 72-05-80, 72-42-91.

Чақмоқ унга ўчакишган...ми?

Табиатда нималар содир бўлмайди. Гоҳида ақл бовар қилмас воқеа-ҳодисалар рўй берадики, ҳайратдан ёқа ушлаб донг қотасан. Масалан, мана бу воқеани эшитинг: 1899 йили Италиянинг Торонто шаҳрида яшовчи Примардани ўз томорқасида куймаланиб юрганида чақмоқ уриб, кул қилди. Роппа-роса 30 йилдан сўнг эса худди шу жойда унинг ўғлини ҳам чақмоқ уриб ўлдирди. 1949 йил 8 октябрда эса яна худди шу жойда биринчи марҳумнинг авлодидан бўлмиш, аниқроғи, невараси Ролла Примарда ҳам чақмоқ туфайли жасади кулга айланди.

1918 йили эса майор Саммерфордни отда кетаётганда чақмоқ уради. Шу воқеа сабаб у ногирон бўлиб, армия билан хайрлашади ва Ванкуверга кетади. У ерда балиқчилик билан шуғулланади. Бироқ 1924 йили балиқ овида унга яна чақмоқ тегади. Омади бор экан яна тирик қолади. Аммо 1930 йилда урган чақмоқ унинг ҳаётига зомин бўлди, яъни Саммерфорд аввалига бутунлай фалаж бўлиб қолди, сўнг шу фалажлик уни нариги дунёга олиб кетди. Бу воқеанинг ажабланарли ва ачинарли томони шундаки, чақмоқ уни гўрида ҳам тинч қўймади: 1934 йили Саммерфорднинг Ванкувер қабристонидаги гўрига чақмоқ тушиб, гўрни бузиб юборди.

Қуйида ҳикоя қилинадиган воқеа эса..

Қисқаси, Гонолулуда яшовчи Бретт Махорн кунларнинг бирида ўртоқлари билан бирга ҳовлида гўшт қовуриб, чўчқахўрлик қилишмоқчи бўлишди. Лекин кутилмаганда момақалдироқ туриб, жала қуя бошлади. Барча уйга қочиб кирди. Учта чақмоқдан сўнг жала тинди. Бретт ва меҳмонлар яна ҳовлига чиқишди. Не кўз билан кўришсинки, чўчқа қовурилган ҳолда тайёр турарди.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли тайёрлади

Кулгу - умр зийнати

— Йигит кўчада танишиб қолган хонимдан сўради:
— Кечирасиз, ёшингиз нечада?
— Аёл киши неча ёшдагидек кўринса, ўшанча ёшда бўлади.
— Бўлиши мумкин эмас... Одам шунчалик узоқ яшайдими.

***

— Эрим мени урди, — деди ёш хоним ойисига шикоят қилиб.
— Ахир, эринг хизмат сафарига кетган эди-ку!
— Мен ҳам шундай деб ўйлагандим.

***

—Бемор хонимга икки бор ухлатувчи дори беришди.
— Нега?
— Биринчиси операция қилишга, иккинчиси камроқ гапириш учун!

***

Лўли ўттиз ёшлардаги мижозга фол оча туриб шундай деди:
— Сиз қирқ ёшгача шундай қашшоқ ва камбағал яшайсиз...
— Кейин-чи?
— Ундан кейин ўрганиб кетасиз.

***

Судья айбланувчига деди:
— Улфатингиз бошига пиво крушкаси билан тушурганингизда ақлу-ҳушингиз жойида эмасмиди?
— Худди шундай.
— Буни нима билан исботлайсиз?
— Крушкада пиво тўла эдида!

Филлар аждоди сувда яшаган

Бугунги кунда яшаётган филларнинг авлод-аждодлари бир замонлар уммон остида яшашган экан. Бир қанча кузатувлардан сўнг Мельбурн университетидаги австралиялик олимлар шундай хулосага келишди. Қисқаси, яқинда Африкадан Мельбурнга 58 кунликдан 166 кунликкача бўлган 6 та филнинг эмбрионлари ўлик ҳолда жўнатилганди. Илмий текширишлар шуни кўрсатдики, эмбрионларда илк ривожланиш палласида дастлаб воронкасимон буйрак ирмоқлари (томирлари) пайдо бўларкан. Бу эса чучук сувларда яшайдиган балиқ, қурбақа ва судралиб юрувчи жонзотларга хосдир. Вақт ўтиши билан эса, яъни эмбрион ўсиб ривожланиши жараёнида аста-секин бу органлар йўқолиб кетади.

Энди олимлар фараз қилишмоқдаки, бундан 30 миллион йиллар муқаддам филларнинг аждодлари денгизда яшашган. Вақт ўтиши билан қуруқлик кўпайиб, сувлик камайгач, улар қуруқликда яшашга мослашган ва бора-бора уларда тана ўзгаришлари юз берган, фақат хартумигина ўша ҳолда сақланиб қолган. Улар сувда яшаган даврда хартум нафас олиш учун ёрдамчи орган вазифасини бажарган. Ҳатто ҳозир ҳам филлар айрим пайтларда, аниқроғи, сувдан сузиб ўтаётганда хартумлари ёрдамида нафас олишади.

Гулчеҳра ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Қуролнинг яхшиси бўларканми?

Инсониятнинг боши омон экан тараққиёт бир жойда тўхтаб қолмайди, шунингдек, инсоннинг инсонга душманлиги ҳам. Кечирасиз, бу сўзни ишлатмаслигимиз керак эди, бироқ... Ахир ўзингиз ўйланг, қуроллар нима учун ишлаб чиқарилади? Қуш отиш учунми, ё бўри овлаш учунми? Бундай десак кулгили а? Қисқаси, аччиқ бўлса-да, айтиш керак қурол инсоният томонидан инсониятга қарши ишлаб чиқарилади. Фақат уни кимдир, тўғрироғи, қайсидир давлат яхши ниятда, яъни ўзини, ўз қадриятларини, маънавий камолотини, сиёсий ва иқтисодий юксакликларини, нимагаки эришган бўлса барча-барчасини ҳимоя қилиш ва сақлаб қолиш учун ишлатса, қайсидир дунёга даъвогари босқинчилик учун ишлатади. Бугунги кунда эса башарият бошига кулфат ёғдирувчи шу қуроллар билан савдо қилиш, яъни қурол-аслаҳа бизнеси айни авж олиб бормоқда. Бунга мисоллар қалашиб ётибди. Америкада ишлаб чиқарилган қуролларни Ер шарининг ҳар бир бурчида кўрасиз, ёки ватани Россия бўлмиш Калашников автоматини олинг. Сайёрамизнинг қаеридаки, уруш кетаётган бўлса, шу автоматларни ўша ерда кўриш мумкин. Булар албатта ўша томонларга ўз-ўзидан бориб қолмайди. Бунинг тагида катта бизнес ётибди.

Бу қуроллар-ку бугунги кунда — XXI аср бўсағасида деярли ибтидоий кўриниш касб этиб қолди. Эндиликда улардан-да минг чандон зўр ва даҳшатли қуроллар яратилмоқда. Бироқ биз бугал ўша қўрқинчли ва ваҳима тўла ажал сепувчи қуроллар ҳақида эмас, балки ажалсиз қуроллар ҳақида, яъни башариятга ўлим келтирмайдиган, енгил, лекин руҳий ва иқтисодий мушкулликлар келтириб чиқарадиган қуроллар ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, сўнгги йилларда, тўғрироғи, сўнгги кунларда ажалсиз қуролларнинг бир қанча янги турлари яратилди. Ҳозир уларнинг «энг яхши» дея эътироф этилган намуналари Югославияда синаб кўрилмоқда. Шундай намуналардан бири акустик бомбадир. У портлаган маҳал паст частотада товуш тўлқинлари ҳосил бўлади. Бу эса ўз ўрнида одамзотни беҳушлик қилиб, кўнглини айнитади, ошқозонини ағдартўнтар қилиб ташлайди, кучли бош гангишини келтириб чиқаради. Ҳатто ички қулоқда жойлашган бош ва гавда мувозанатини идора қилувчи орган фаолиятини издан чиқариб, эшитиш қобилиятини вақтинчалик тўхтатиб қўйиши мумкин.

Яна бир тур қурол — бомба яратилганки, у портлагач, инсон зоти чидаб бўлмас даражада қўланса ва сассиқ ҳид тарқалади. Натижада барчада қайт қилиш бошланади ва бир неча кун умуман иштаҳа йўқолади, руҳий сиқилиш юз беради.

Нурланувчи бомба эса душман аскарларини бир неча соат кўр қилиб қўяди. Яна шундай қурол яратилганки, унинг лазер гиперболоидлари кўзнинг тўр пардасини зарарлайди ҳамда тунги кўриш ва кузатув анжомларини ишдан чиқаради.

«Ёпишқоқ кўпик» дея номланган қурол эса барча автотранспорт воситаларини асфальтга шунчалар қаттиқ «михлаб», тўғрироғи, клейлаб ташлайдики, бу клейни ҳеч бир транспорт юлиб юриб кетолмайди.

«Графитли» бомба эса бир қанча йирик электр тизимларини ишдан чиқаради, яъни унинг жуда кичик «бўлаги» электр симларига тегса бўлди, дарҳол қисқа туташув юз беради ва натижада электр иншоотлари ишдан чиқади. Бу қурол ҳам яқинда НАТО самолётлари ёрдамида Сербияда синаб кўрилди. Ўшанда мамлакатдаги электр иншоотларининг учдан икки қисми шу қурол туфайли ишдан чиққан.

Мана, кўрдингизми, юқорида санаб ўтилган қуролларнинг барчаси энг яхшилари, яъни инсоният бошига ўлим уруғини сочмайдиганлари. Бора-бора Ер шарида қирғинбарот урушлар тугаб, унинг ўрнини ажалсиз «уруш»лар эгалласа ажаб эмас.

Алимқул СУЛТОНОВ

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!
Реклама ва эълонлар учун телефонлар:
«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-06-83

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Юсуф БЕКМУРОДОВ, навбатчи Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0532

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.40
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олий аттестация комиссияси томонидан 1994 йил 26 майда Зокиров Ёркин Узуевич номига берилган 01№ 000859 рақамли тиббиёт фанлари номзоди ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Ойдин Собирова номли ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Эшдавлатов Нурали Турсунпўлатович номига берилган UZA №096485 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат тиббиёт институти қошидаги тиббиёт билим юрти томонидан 1998 йил 1 июлда Гофурова Дилфуза номига берилган N265275 рақамли ҳамширалик дипломи йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Т. К. Камаловга акаси
Пазилбек Камалович КАМАЛОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбексавдо» акционерлик компанияси «Ўзсавдоинвест» корпорацияси раҳбари С. Л. Хожибергановга акаси
Абдумалик Латипович ЛАТИПОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.